



Замонавий социологик тадқиқотлар шуни кўрсатади, ислом дунёда энг тез ўсаётган дин хисобланади, шундай килиб, мусулмонлар глобал социумда тобора катта улушга эга бўлиб бормоқда. Маълумки, бир пайтлар Адам Смит томонидан эълон килинган бизнеснинг асосий конуни «талаб таклифни юзага кетиради» тарзида янграйди. Шу тарика, жаҳон иктисадий инкиroz ва рецессияларга қарамай, халол туристик сектор йилдан йилга фаол ривожланиб бормоқда.

Мусулмонлар учун меҳмонхона – катта фойда келтирадиган иш

Мехмонхона бизнеси соҳасида дунёning бешта етакчи компаниялари каторига кирадиган Rezidor Hotel Group компанияси маълумотларига кўра, якин 10 йилда шариат бўйича дам олишга талаб йилига 20%га ўсмокда. Бунда халол туризм учун, худди «халол» маркаси остидаги меҳмонхоналар учун бўлгани каби, ҳали аник таъриф йўқ, одатда бу ерда шариат талабларига мувофик меҳмонлар жойлаштириш бўйича хизматлар кўзда тутилган туристик махсулот кўзда тутилади. Мисол учун, «тўлик» халол меҳмонхоналарда спиртли ичимликлар берилмайди, ҳамма таомлар халол сертификатига эга, хоналарда жойнамозлар мавжуд ва умуман, бутун интеръер мусулмонлар учун дўстона хисобланади. Бирок халол туризм тушунчаси анча кенгрок хам тушунилади – бутун дунё бўйлаб кўплаб тармоклар мусулмонлар учун тўгри келадиган хисобланиши мумкин. Мисол учун, Лондондаги "Лорд Миллер" меҳмонхонаси ёки "Холидей Вилла" меҳмонхоналар тармогида хоналарда кибланинг кайси томонда эканлигини кўрсатиб турадиган махсус кўрсатгичлар.

Мусулмонлар бўлиб туриши учун куляй ва шинам бўлган меҳмонхоналар учун дунё рейтинглари хам мавжуд. Бундай рейтингни биринчи бўлиб австралийлик Карим Саад, www.halaltrip.com сайти асосчиси тузган. Сайтда кўрсатилган маълумотларга мувофик, етакчилар бешлиги куйидагилардан иборат бўлди: Tamani Villas (Танзания), Bera Hotel (Турция), Dar Al Tawhid (Саудия Арабистони), Bangtao Beach Chalet (Тайланд) ва Ada Hotel (Турция).

Экпертнинг таъкидлашича, мусулмонлар айнан халол меҳмонхона ва курортларга кўпроқ пул сарфлашшга тайёр бўлиб, шу тариқа кўйилган талабларга мос келмайдиган ислом дунёсининг айрим меҳмонхоналарида ва Гарб мамлакатларида меҳмонхона ишига зиён етказиши мумкин.

Буларнинг барчаси шуни кўрсатадики, бу улкан ва хали у кадар ривож топмаган бозор ўсиб, факат «ниша» бозори бўлмай кўйган. Бирок унинг кўтарилиши Европа ва Гарбда исламофобиянинг ўсиш даврига тўгри келади, Францияда никоб такикланган, Голландияда исломга карши бўлган депутатлар фаоллашмоқда ва х.к. Агар бундай тенденция сакланиб коладиган бўлса, таъкидлайди ОАВ, шу пайтгача бадавлат араблар учун урф бўлган туристик йўналиш саналган Франция каби мамлакатлар туризм оркали топадиган тушумда катта йўқотишларга учрайди. Халол туризмга келадиган бўлсак, унинг глобал микёсга чикиши – факат вакт талаб киладиган масала бўлиб, ундан четда колиш тобора кийинлашади.

Халол сайёрамиз бўйлаб кадам ташламоқда

Халол тренд ривожланаётган бир шароитларда кўплаб меҳмонхоналар ўз хизматларини мусулмон-меҳмонлар учун мослаштиришга уринмоқда. Мусулмон ахолининг, айникса, Гарбий Европа ва АҚШда фаровонлиги ўсиши билан билан халол туризмни ривожлантириш учун имкониятлар хам ортмоқда. Туркия, Малайзия, Кизил денгиз, Сингапур ва Индонезия каби дунёning асосий туристик йўналишлари мусулмонлар туризмига жиддий кизикиш намойиш этиб бўлди. 2005 йил Малайзия Якин Шарқдан 150 мингдан ортиқ сайёх кабул килган бўлса, 2007 йилга келиб 250 мингга якин киши таомлар халоллиги кўрсаткичидан келиб чишиб, туристик йўналишларни танлади. БААнинг "Almulla Hospitality" компанияси 2015 йилгача нафракат Якин Шарқда, балки Европа ва Шимолия Америкада хам 150 та халол меҳмонхона очишни режалаштирган. Бундан ташкири, "Jawhara" меҳмонхоналар тармоги Дубайдаги ўз меҳмонхоналарининг 25%ини халол килмокчи. Ушбу меҳмонхоналар шунингдек, закот – олинган фойданинг 2,5%ини тўлайди.

Халол меҳмонхона бизнесига кизикиш мусулмон мамлакатлардан ташкарида хам кенг таркалмоқда. Европадаги илк меҳмонхоналардан бўлган Швейцариянинг "Kempinski" меҳмонхоналар тармоги "Guidance Financial Group" билан хамкорликда 2015 йилгача 30 та халол меҳмонхона куришни режалаштирган. Австрияда дунёга машхур "Sacher" меҳмонхонаси Рамазон ойида меҳмонларнинг намоз ўкишлар учун жой ажратган, шунингдек, сахарлик ва ифторлик ташкиллаштирган. Дунёдаги энг йирик "Best Western" меҳмонхоналар тармоги Малайзия, Бахрейн ва Уммонда халол меҳмонхоналар очган ва бу соҳани ривожлантириш ниятида. "Radisson Blu ва Park Inn" брендлари сохиби бўлган Брюсселнинг "Rezidor Hotel Group" компанияси якин ўн йилликда халол меҳмонхона бизнесининг йиллик 20% ўсишини кутмокда. Жанубий Африка Республикаси 2010 йил футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтиши арафасида Кейптаунда "Coral International" номи остида халол меҳмонхона очди.

Туркия, Тайланд, Мсир ва Бали каби дунёning энг оммавий курортлари хам мусулмонлар

учун меҳмонхоналарга эга. Хусусан, индуизм энг таркалган дин саналган Балида «Aston Denpasar Hotel» меҳмонхонаси халол сертификатини кўлга киритди. Бу кадам Бали халол бозорини ривожлантиришда ижобий тенденция сифатида хамда ислом талабларигаа жавоб берадиган товарлар ва хизматларга талабнинг ўсишига жавоб сифатида кайд этилди.

Россия: халол меҳмонхоналар ибтидоси

Халол оламида Ислом палатасининг ахборотлар ва тадқикотлар бўйича Маркази раҳбари Динар Садыковнинг хисоблашича, Россия – турли мамлакатлардан, жумладан, мусулмон мамлакатлардан меҳмонлар эътиборини жалб киладиган мамлакатdir. Унинг фикрига кўра, халол-меҳмонхоналар икки тоифага ажратилиши лозим. Биринчиси бу – айнан мусулмонлар максадли мижозлар саналадиган тўлиқ халол меҳмонхоналар. Бу ерда таомлар факат халол, спиртли ичимликлар умуман йўқ, намоз ўкиш учун алохоналар ажратилган ва х.к.. Иккинчи тоифа мусулмонлар ўзини кулаги хис кила оладиган алохода хоналар тақдим этиладиган меҳмонхоналардир. Бундай хоналарда жойнамоз ва компас тақдим этилади, санузелда тахорат килиш учун кумгон ва биде бўлади, мини-бар эса умуман кўзда уттилмайди. Бунда меҳмонхона ошхонасида меҳмонлар учун таом тайёрлашда халол хом ашёдан фойдаланилади, лекин спиртли ичимликлар хам сотилади. Ошхона алохода юритилиши хам мумкин бўлиб, бундан факат мижознинг буюртмаси бўйича халол таомлар берилади. Охирги холатда кўмита меҳмонхонани халолга мувофиқлик борасида ўта жиддий текширади: хом ашё етказиб берувчилардан тортиб алохода ажратилган совутгичлар ва ошхона анжомларигача. Динар Ильсировичнинг кайд этишича, Россияда меҳмонхоналар хўжайнлари Кўмитага таомнома ва хизматларга «халол» макоми берилишини сўраб мурожаат килади, лекин бар сакланиб колади. Россияда мусулмонлар учун мўлжалланган ва кўмитадан сертификат олган илк меҳмонхона Козон шаҳрида жойлашган – бу «Шушма» меҳмонхонасидир. Хозирги кунга келиб, яна битта меҳмонхона аккредитация жараёнидан ўтмоқда, бошка талабномалар хам келиб тушмоқда. Шундай килиб, бозор бўш ва таъминланмаган бўлиб турибди, халол меҳмонхона хизматларига талаб эса доимий равишда ўсмоқда. Россияда меҳмонхона бизнеси эгалари, ўз навбатида, фаоллик кўрсата бошлади ва Универсиада-2013, Олимпиада-2014 ва футбол бўйича жаҳон Чемпионати-2018 каби йирик халкаро тадбирлар туфайли Кўмитадан рухсат олиш шартлари билан кизикди. Бундай шароитларда меҳмонхоналарда халол хизматлар мавжудлиги масаласи бир томондан компаниянинг нуфузига айланмоқда, бошка томондан эса – турли маданиятлар ва урф-одатларни хурмат килишдан дарак бермоқда. Ва бу фикрга кўшилмасликнинг иложи хам йўк.

МДХда козоклар биринчи ўринда

«Козогистон халол саноати» Ассоциацияси президенти Марат Сарсенбаевнинг таъкидлашича, Козогистон халол меҳмонхоналарни сертификатлаш масаласида жаҳон тажрибасидан, биринчи навбатда, халол-саноат жиддий ривожланган Малайзия тажрибасдан андоза олади. МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб айнан Козогистонда №16-32 сонли туристик хизмат кўрсатиш махсус сертификати ишлаб чикилди ва 2007 йилдан бери кўлланиб келмоқда. 2011 йил Козогистон ОИС раҳбари бўлиб, Астана ва Алматида спорчиларнинг аксарияти мусулмон мамлакатлардан ташриф буюрган Осиё ўйинлари кабул килиниши халол меҳмонхоналар тармоги ривожланишига ўзига хос турткি вазифасини бажарди. Козогистон меҳмонхоналарида мусулмонлар учун нафакат бирламчи зарур хизматлари – халол овкат ва таҳорат учун кумгонлар тақдим этилади, балки мос келувчи мухит шакллантиришга хам харакат килинади, масалан, хоналарда Куръон, тасбех ва жойнамозлар бор. Марат Агибаевичнинг айтишича, Козогистон меҳмонхоналари эгалари учун халол стандарти бўйича сертификатлаш катта кийинчилик тугдирмайди. Жараён ариза бериш, меҳмонхонани кўриб чикиш, персонални ўқитиш ва зарур маслаҳатлар олишни ўз ичига киритади.

Худди Россияда бўлгани каби, Козогистон меҳмонхоналари хам «тўлик халол» эмас, шариат бўйича таомлар ва хоналарда шароитлар мавжудлигидан ташкари, бу ерда кўпинча колган меҳмонхоналар тоифалари учун спиртли ичимликлар солинган бар колдирилади. Бунда овкатланиш масалаларида алоҳида эътибор каратилади: ассоциация овкат тайёрловчилар учун, шунингдек, меҳмонхона ошпазлари учун махсус ўқитишни ташкил килади. Бугунги кунда Козогистонда сертификатланган меҳмонхоналар сони ўндан ортикни ташкил килади, бу меҳмонхоналарнинг ҳаммаси мамлакатдаги энг йирик бўлиб, беш юлдузли хисобланади: «InterContinental», «Ramada-plaza», «Diplomat», «Каусар» ва бошкалар. Жаноб Сарсенбаев Козон шахридаги халол оламида Ислом палатаси ахборот ва тадқикотлар бўйича Марказга ташриф буюради ва Козогистон ассоциациясининг Россия билан хар томонлама хамкорликка тайёрлигини билдиради.

Абу Муслим тайёрлади